

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ШИША ТОЛА, ЭЛЕКТР ТЕЖАМКОР ИСИТИШ АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА ЭНЕРГИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕЖАМКОР ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» 2017 йил 26 майдаги ПП-3012-сонли қарорига мувофиқ ҳамда шиша тола буюмлари, энергия самарадорлигини таъминлайдиган иситиш асбоб-ускуналари, шу жумладан энергиянинг қайта тикланувчи манбаларидан энергия сарфлайдиган ҳамда энергиянинг замонавий тежамкор ишлаб чиқаришларини ташкил этишга хорижий инвестицияларни ва замонавий технологияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 сентябрдаги 351-сонли қарори билан «Прайсс-Даймлер» (ГФР) ва «Ровитекс» (Швейцария) хорижий компанияларининг улуши иштирокидаги «Ўзгласзайден» ҚК МЧЖ негизда техник шиша толаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қафолати бўйича хорижий банк маблағларини қайта молиялаштириш йўли орқали ускуналар етказиб беришни молиялаштиришда асосий манба этиб «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кредити белгиланди;

шиша толасини ишлаб чиқариш кўшма корхона таъсисчилари томонидан технологик ускуналар охиригача етказиб берилмагани ва қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилмагани сабабли фойдаланишга топширилмаган, 14 йил мобайнида ишлаб чиқаришни ишга тушириш бўйича ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрилмаган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги 171-ф-сонли фармойиши билан «Ўзгласзайден» ҚК МЧЖ ишлатилмаган асосий маблағлари ҳамда шиша толасини ишлаб чиқариш бўйича қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди;

2017 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ўз маблағлари ҳисобидан хорижий банк олдидаги ташқи қарзини узди, «Ўзгласзайден» ҚК МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кредитлари бўйича 116,3 млрд. сўм миқдоридagi сўндирилмаган қарзи мавжуд;

Олдинги таҳрирга қаранг.

«Deutsche Kabel AG Tashkent» ҚК АЖ «Ўзгласзайден» ҚК МЧЖнинг фаолият юритмай турган мулки комплекси негизда шиша толаси, энергия самарадор иситиш ускуналари ва энергиянинг замонавий тежамкор тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ўз қизиқишларини билдирди.

(1-банднинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ-4277-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.04.2019 й., 07/19/4277/2919-сон)

** 1-илова рус тилидаги матнда берилган.*

2. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзэлтехсаноат» АК, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, «Олмазор кичик саноат зонаси» АЖ ва «Deutsche Kabel AG Tashkent» ҚК АЖнинг:

«Deutsche Kabel AG Tashkent» ҚК АЖга «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кредити бўйича, «Deutsche Kabel AG Tashkent» ҚК АЖга мазкур банднинг **учинчи хатбошида** белгиланган инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда «Ўзгласзайден» ҚК МЧЖ қарзларини талаб қилиш ҳуқуқларини барча зарур ҳужжатлар билан бирга тақдим этган ҳолда топшириш;